

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат  
бошқаруви академияси Илмий  
кенгаши раиси Қосимов Р.С.**

---

2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ МАГИСТРАТУРАСИГА  
КИРУВЧИЛАР УЧУН “ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА”  
БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ**

**ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

Мазкур тест синовлари бўйича магистратурага кириш дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Илмий Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_ -сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

## КИРИШ

Шарқ халқлари тарихидан маълумки бирор-бир маъсулиятли лавозимга маъсул шахсни тайнлашдан аввал турли синовлар асосида танловни ташкил этилган. Ана шу синов-танлов асосини шахснинг руҳиятини бошқара олиши ва фаолиятини самарадорлиги ташкил этганлиги тарихий ҳақиқатдир. Шахс ўз руҳиятини бошқара олиши бунинг асосида онг олди фаолиятини йўналтира олиши ўз навбати билим ва салоҳиятни оширишга хизмат қилиши билан бирга ўзлаштирган малакаларини амалиётда қўллай олиш имкониятларини оширади.

Буюк аждодларимизни анъаналарига содиқ қолган ҳолда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига қабул жараёнида иштирок этаётган давогарларни ижтимоий-психологик тест синовларидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Руҳий ҳолатни бошқара олиш ҳар қандай масалани ечимига тизимли тафаккур асосида ёндошиш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўғини ҳисобланади. Руҳиятини бошқара олиш ва тафаккурнинг тизимлиги асосида қарорларни қабул қилиш шахсга, хусусан, бўлажак раҳбар кадрларни фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга ўзининг билимларини мантиқийлиги ҳамда онг олди фаолиятини анализ ва синтизи асосида умумлаштиришга ўзнинг улкан хиссасини қўшади.

Умумбашарий ва миллий кадриятларни чуқур англаб етиш ва уни асосида ўз руҳий ҳолатини йўналтириш барча даражалардаги раҳбар ходимларнинг онгли фаолиятини намоён этувчи муҳим омил ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 29-бандида белгиланган Давлат бошқаруви академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифадан келиб чиқиб, бўлажак раҳбар ходимнинг таҳлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, турли масалаларнинг мақбул ечимини топиш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эғалиги, раҳбарга хос қадириятларни ҳамда тафаккур тарзимини даражасини аниқлашда психологик тестлар муҳим аҳамият эга.

## УМУМИЙ ҚИСМ

### Бўлажак раҳбарларни танловида психологик диагностикадан фойдаланишнинг зарурлиги

**Психологик диагностикадан** – шахсдаги мавжуд хусусиятларни маълум бир фаолият турига мослигини баҳолашга қаратилган мезонларни ўзида акс эттирувчи мажмуа ҳисобланади. Психологик диагностикадан шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўзида мужассам этганлик даражасини ўрганишда фойдаланади. Бу ўз навбатида шахсни онг олди фаолияти ҳақида мавжуд нуқтаи назари юзасидан асосли хулоса олиш имконини беради:

– психологик диагностика шахснинг ижтимоий хусусиятлари ва салоҳиятини баҳолашнинг мезони ҳисобланиб, фикр юритиш, фаолиятини режалаштириш, муаммонинг ечимини топиш ва уни идрок этишни ўз ичига қамраб олади;

– психологик диагностикадан ижтимоий малакалар ва турли соҳага зарур қобилият баҳолайди;

– психологик диагностика тестлари бу стандарт баҳолаш ҳисобланади. Ушбу турдаги тестлар ягона кўрсатмалар мажмуини қамраб олади ва бир ҳил даражадаги раҳбар ходимларни танлашнинг мақсадга мувофиқлиги борасида маълумотлар тақдим этади;

Қоидага кўра, мантиқий фикрлаш тестлари амал қилишининг тўртта умумий жиҳатларини тадқиқ қилади:

**Афзалликлари.** Психологик диагностикадан тест шахснинг фикрлаши, муаммога тизимли ёндашуви, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш аниқлаш воситаси сифатида ўзига хос афзалликларг эга.

## **ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА**

*Қуйида келтирилган шахснинг хусусиятлари психологик тестлар ёрдамида баҳоланади.*

### **РАҲБАР ҚАДРИЯТЛАРИ**

Бошқарув жараёнида намоён бўладиган умумбашарий ва миллий қадриятларни намоён бўлиши. Раҳбар шахсини ўзига хос хусусиятларини бошқарув жараёнида акс этиши. Шахслароро муносабатда намоён бўладиган қадриятларни бошқарув жараёнига таъсири. Шахснинг дунёқараши ва этнопсихологик қадриятларнинг узвий боғлиқлик даражаси.

Раҳбарнинг бошқарув жараёнида шахслароро муносабатларни қадриятлар асосида амалга ошира олиш хусусиятини ўзида мужассам эта олиши. Раҳбарнинг фаолияти натижаларини анализ ва синтиз қила олиши даражаси. Бошқа шахсларнинг фаолиятини баҳолай олиш даражаси шаклланганлиги.

Шахснинг ўз фаолиятига ва бошқалар фаолиятига танқидий ёндашувнинг адолатлиги.

### **РАҲБАРДА ЛИДЕРЛИК ХИСЛАТЛАРИ**

Шахсда лидерлик хусусиятларининг шаклланганлиги ва уни намоён бўлиши. Лидерликнинг қирраларини шахс фаолиятида акс этиши. Лидерликнинг жамода намоён бўлиши ва уни шахслароро муносабатини асоси эканлиги. Шахснинг тан олинган ва тан олинмаган лидерлик томонларини ўзига хослиги.

### **РАҲБАР ПРОФЕССИОНАЛИЗМИ**

Раҳбарнинг касбий маҳорат билан раҳбарлик хусусиятларини узвий боғлиқ холда намоён бўлиши. Шахснинг бошқарув жараёнида касбий маҳоратини намоён бўлиши. Раҳбар фаолиятида касбий маҳоратнинг ўзига хослиги. Шахсий қадриятлар ва касбий маҳорат бошқарув жараёнида намоён бўладиган хусусият сифатида.

Касбий маҳорат ва малакаларнинг бошқарув жараёнидаги моҳияти. Раҳбарнинг шахслароро муносабатда намоён бўладиган касбий маҳорат қирралари.

## **РАҲБАРДА ТИЗИМЛИ ТАФАККУР.**

Тизимли тафаккурни ўзга хос қирраларини фаолият жараёнида намоён бўлиши. Шахс томонидан вазиятни анализ, синтез ва умумлаштиришни бошқарув жараёнидаги фаолиятда билвосита ҳамда бевосита акс этиши. Раҳбарнинг фаолиятида тизимли тафаккур махсулининг акс этиши. Раҳбарнинг қарорлар қабул қилишида тизимли тафаккурини намоён бўлиши қонуниятлари.

Тизимли тафаккур ва бошқа тафаккур турларининг узвий боғлиқлиги. Тафаккур жараёнининг бошқа психик жараёнлар билан боғлиқлиги.

## **ЎЗГАРИШЛАРГА МОСЛАШУВЧАНЛИК**

Шахснинг турли вазиятларга нисбатан мослашувчанлиги ўзга хос хусусият сифатида. Кутилмаган ўзгаришларга нисбатан раҳбар фаолияти аниқлиги. Шахснинг стресс бардошлиги ва ўзини бошқара олиш хусусиятларини шаклландирилганлиги. Бошқарув жараёнида ҳиссиётини бошқара олишлилики.

Раҳбарни кутилмаган вазиятларда қарорларни қабул қилишни ўзига хослиги. Юзага келган кутилмаган жараёнларни раҳбар томонидан идрок этилиши ва уни фаолиятида акс этиши.

Раҳбарни янги жамоага мослашуви жараёнининг қирраларини ўз фаолиятида акс эттириши. Жамоани янги шароитга мослаштиришда раҳбарнинг ишонтирувчи ва ундовчи нутқ турларидан фойдалана олиш хусусиятлари.

## **ПСИХОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК**

Шахснинг ўз руҳий ҳолатини бошқара олиши ва ҳолатини йўналтира олиш маҳорати. Бошқарув жараёнида раҳбарнинг бошқа шахсларни руҳий ҳолатини англаши. Шахс томонидан ўз ҳиссиётини онгли равишда бошқара олиши.

Ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган турли ноҳуш вазиятларда раҳбар ўзининг етакчилигини намоён эта олиши. Раҳбар руҳиятини барқарор тутиши асослари.

## АДАБИЁТЛАР

1. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование / Пер. с англ. - СПб.: Питер, 2001.
2. Бурлачук Л. Ф. Введение в проективную психологию. - К.: Ника-Центр; Вист-С, 1997.
3. Вартегг Э. Уровневая диагностика. Пер. с нем. - М.: Смысл, 2004.
4. Дружинин В. Н. Психология общих способностей. - СПб.: Питер Ком, 1999.
5. Дюк В. А. Компьютерная психодиагностика. -СПб.: Братство, 1994.
6. Кулагин Б. В. Основы профессиональной психодиагностики. - Л.: Медицина, 2014.
7. Методы психологической диагностики. - М.: Институт психологии РАН, 1994.
8. Плишко Н. К. Особенности сенсомоторных реакций при изменении эмоционального состояния// Диагностика психических состояний в норме и патологии. - Л.: Медицина, 2013.
9. Практикум по психодиагностике. Прикладная психодиагностика. - М.: Изд-во Моск. ун-та, 1992.
10. Практикум по психодиагностике. Психодиагностика мотивации и саморегуляции. - М.: Изд-во Моск. ун-та, 1999.
11. Практический интеллект / Р. Дж. Стерн-берг, Дж. Б. Форсайт, Дж. Хедланд и др. - СПб.: Питер, 2002.
12. Романова Е. С. Психодиагностика: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2006.
13. Романова Е. С, Потемкина О. Ф. Графические методы в психологической диагностике. - М.: Дидакт, 2002.
14. Соколова Е. Т. Проективные методы исследования личности. - М.: Изд-во Моск. ун-та, 2010.
15. Шмелев А. Г. Психодиагностика личностных черт. - СПб.: Речь, 2002.

### 4. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.laviedesidees.fr/Histoire-et-mondialisation>
2. <http://www.uzбекистан.uz>
3. <http://www.uzembassy.ru>
4. <http://www.gov.uz>
5. <http://www.press-service.uz>
6. <http://www.ziyonet.uz>